



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 12 июнь, № 119 (9290)

Жума Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИДА ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 июнь кунини балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган тақлифлар тақдимоти билан танишди.

Балиқчилик озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим йўналиш ҳисобланади. Дунёда аквакультура жадал ривожланмоқда. Илк бор етиштирилган балиқ ҳажми табиий сув ҳавзаларида овланган балиқ микдоридан ошиб кетди.

Бугунги кунда интенсив усулда балиқ етиштириш ҳажми умумий ишлаб чиқаришнинг 20 фоиздан ошмапти. Ваҳоланки, бундай технологиялар ҳосилдорлик ва даромадни бир неча баробар оширади. Агар мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинса, балиқ етиштириш ҳажмини 5 баробар кўпайтириш мумкинлиги айтиб ўтилади.

Юртимизда бу соҳани ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Ўзбекистонда 173 минг километрлик дарё ва канал ўзани мавжуд. Сув ресурслари чекланган бўлишига қарамадан мамлакатимиз Марказий Осиёда балиқ етиштириш ҳажми бўйича етакчи ўринда турибди. 2025 йилда 206 минг тонна балиқ етиштирилган.

Соҳада янги технологияларни жорий этиш ва тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, хусусан, ёпиқ сув айланма тизимини ўрнатиш ҳаражатларининг бир қисмини қоплаш, насли она балиқлари импорт қилиш учун субсидия ажратиш, қуёш панелларини ўрнатиш учун субсидия бериш ва айланма маблағ учун имтиёзли кредитлар фойдаланишнинг бир қисмини компенсация қилиши лозимлиги таъкидланди.

Сўнгги йилларда аҳоли сони ўсиши билан оқсилли маҳсулотларга бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Балиқ эса иқтисодий жиҳатдан самарали, парҳезбop ва аҳоли саломатлиги учун фойдали озуқа манбаидир. Шу боис оддий қўл балиқчилигидан сувни тежайдиган, қайта айланма ресурслардан фойдаланишга қаратилган тақлифлар тақдимоти билан танишди.

Балиқчилик ҳўжаликларига кредитлар ажратиш, миллий ва хорижий валютладаги кредитлар бўйича фойзаларни қисман қоплаш механизми жорий этилади. Ушбу имкониятлар ҳисобига кейинги йилда балиқ етиштириш ҳажмини 500 минг тоннадан ошириб, шаффоф тизимини жорий қилиш, интенсив балиқчилик ва

наслчилик ҳўжаликларига ҳар йили зарур микдорда сув етказиб бериш кафолатлини лозимлиги қайд этилди.

Тақдимотда саратон касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, аҳоли ўрта-

сида энг кўп учрайдиган саратон касалликлари бўйича мақсадли тиббий текширувлар билан қамраб олишни камида 60 фоизга етказиш, саратон касалликларида қилинган беморлар орасида 5 йиллик умр давомийлиги кўрсаткичини 35 фоиздан камида 45 фоизга ошириш мақсад қилинган.

Бунинг учун 2027 йилдан бошлаб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган саратонга қарши курашиш бўйича Миллий дастур ҳудудларда босқичма-босқич жорий этилади.

Мазкур дастур доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ходимла-

рининг онкологик ҳўшёрлиги оширилади. Улар саратон касалликларининг дабтабқи белгиларини аниқлаш ва беморларни ўз вақтида ихтисослаштирилган муассасаларга йўналтириш бўйича қайта тайёрланади.

Шунингдек, халқаро тавсиялар асосида клиник қўлланмалар қабул қилинади. Онкология йўналишида мултидисциплинар жамоавий ёндашув — бир неча му- тахассис иштирокида беморга ташхис қўйиш ва даволаш тактикаси жорий этилади.

Энг кўп учрайдиган саратон касалликларини эрта ташхислаш дастурлари ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалиётга киритилади. Беморларни қисқа

муддатда текширувдан ўтказиш ва ташхис қўйиш имконини берадиган тезкор ташхислаш йўналишлари йўлга қўйилади.

Нур терапияси хизматини модернизация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, эскирган қобалт қурилмалари босқичма-босқич замонавий чизикли тезлаткичларга алмаштирилади, юқори дозали брахитерапия имкониятлари кенгайтирилади.

Паллиатив ва хоспис ёрдами- ни ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилади. 2030 йилга қадар аҳолига бундай ёрдам кўрсатиш қамровини камида 80 фоизга етказиш режалаштирилган.

Бунинг учун 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб республикада паллиатив ва хоспис ёрдами кўрсатишнинг ягона тизими тиббий ва ижтимоий хизматлар интеграцияси асосида ташкил этилади. Паллиатив ёрдамга муҳтож шахсларни аниқлаш, йўллаш, ҳисобга олиш ва уларга хизмат кўрсатиш жараёнлари электрон ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Мобиль паллиатив бригадалар фаолияти йўлга қўйилиб, уй шароитида тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш таъминланади. Стационар шароитдаги паллиатив ёрдам давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари ҳамда хоспислар томонидан кўрсатилади.

2

2

ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ ИШТИРОКИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ДАСТУР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев онкологик ва гематологик тиббий ёрдам ва паллиатив хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, давлат тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тақлифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оғир касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, онкологик, гематологик ва онкогематологик касалликларга қарши курашиш бўйича ижтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, паллиатив ва хоспис хизматларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Тақдимотда саратон касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, аҳоли ўрта-

сида энг кўп учрайдиган саратон касалликлари бўйича мақсадли тиббий текширувлар билан қамраб олишни камида 60 фоизга етказиш, саратон касалликларида қилинган беморлар орасида 5 йиллик умр давомийлиги кўрсаткичини 35 фоиздан камида 45 фоизга ошириш мақсад қилинган.

Бунинг учун 2027 йилдан бошлаб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган саратонга қарши курашиш бўйича Миллий дастур ҳудудларда босқичма-босқич жорий этилади.

Мазкур дастур доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ходимла-

рининг онкологик ҳўшёрлиги оширилади. Улар саратон касалликларининг дабтабқи белгиларини аниқлаш ва беморларни ўз вақтида ихтисослаштирилган муассасаларга йўналтириш бўйича қайта тайёрланади.

Шунингдек, халқаро тавсиялар асосида клиник қўлланмалар қабул қилинади. Онкология йўналишида мултидисциплинар жамоавий ёндашув — бир неча му- тахассис иштирокида беморга ташхис қўйиш ва даволаш тактикаси жорий этилади.

Энг кўп учрайдиган саратон касалликларини эрта ташхислаш дастурлари ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалиётга киритилади. Беморларни қисқа

муддатда текширувдан ўтказиш ва ташхис қўйиш имконини берадиган тезкор ташхислаш йўналишлари йўлга қўйилади.

Нур терапияси хизматини модернизация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, эскирган қобалт қурилмалари босқичма-босқич замонавий чизикли тезлаткичларга алмаштирилади, юқори дозали брахитерапия имкониятлари кенгайтирилади.

Паллиатив ва хоспис ёрдами- ни ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилади. 2030 йилга қадар аҳолига бундай ёрдам кўрсатиш қамровини камида 80 фоизга етказиш режалаштирилган.

2

2

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, йўл ҳаракати иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Авалло, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ҳамда кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қонун мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берилди. Ушбу қонун парламент томонидан қабул қилинган.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси

Жиноят кодексига “Аҳоли саломатлиги ва генофонди қарши жиноятлар” номли янги боб киритилмоқда. Бу орқали аҳоли, айниқса, ёшлар саломатлигига таҳдид солаётган хавфли қилмишлар учун жавобгарлик чораларини кучайтириш кўзда тутилган.

Наркожиноятларнинг замонавий усул ва шакллари инobatга олиниб, файриқонуний

нарколаборатория ташкил этиш, наркотикларнинг ноқонуний муомаласига раҳнамолик қилиш, бангхона ташкил этиш каби қилмишлар учун алоҳида жавобгарлик белгиланмоқда. Шунингдек, 10 дан ортқ хавфли қилмишлар бўйича қонун чоралари оғирлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу қонун наркожиноятчиликка қарши курашишни янги

босқичга олиб чиқиш, аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлади ҳамда уни имзолади.

Тақдимотда идораларо ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган “Наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳақида

ҳам ахборот берилди.

2

ХАЛҚАРО БРЕНДЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Женева шаҳрида “Better Cotton” халқаро ташкилотининг бош директори Ник Уэзерилл билан учрашди.

Учрашув

Унда барқарор пахта ишлаб чиқаришни ривожлантириш, халқаро стандартларни жорий этиш ва мамлакатимиз пахта-тўқимачилик саноатининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича ҳамкорлик натижалари ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Ник Уэзерилл Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида пахта-тўқимачилик тармоғини модернизациялаш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва барқарор ривожланиш тамойилларини илгари суришга қаратилган ислохотларни юқори баҳолади.

Мамлакатимизда бизнес юритиш учун яратилган қулай шароитлар, жумладан, корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари, халқаро сертификатларни жорий қилишни рағбатлантириш механизми, шунингдек, солиқ ва божжона имтиёзлари Ўзбекистонда “Better Cotton” дастурини янада кенгайтиришга хизмат қилаётгани эътироф этилди.

“Better Cotton”нинг Ўзбекистонда очилган офиси ташкилотнинг Хиндистон ва Покистондан кейинги учинчи ваколатхонаси бўлиб, республиканинг юқори салоҳияти ва пахта етказиб бериш глобал занжирларида роли ортиб бораётганидан далolat бериши алоҳида таъкидланди.

Учрашув якунида қўшма лойиҳаларни, шунингдек, мамлакатнинг пахта ва тўқимачилик корхоналарига танишув ташрифларини ташкил этиш орқали халқаро брендлар билан ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан келишувга эришилди.

2

2

Қонунчилик палатаси кўмиталарида

МУРОЖААТЛАР ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари кўмитаси томонидан Энергетика вазирлигининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалаларнинг ҳал этилиш ҳолати ва ушбу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.



Тақдимотда саратон касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Ушбу қонун парламент томонидан қабул қилинган.

Наркожиноятларнинг замонавий усул ва шакллари инobatга олиниб, файриқонуний

нарколаборатория ташкил этиш, наркотикларнинг ноқонуний муомаласига раҳнамолик қилиш, бангхона ташкил этиш каби қилмишлар учун алоҳида жавобгарлик белгиланмоқда. Шунингдек, 10 дан ортқ хавфли қилмишлар бўйича қонун чоралари оғирлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу қонун наркожиноятчиликка қарши курашишни янги

босқичга олиб чиқиш, аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлади ҳамда уни имзолади.

Тақдимотда идораларо ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган “Наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳақида

ҳам ахборот берилди.

2

2

МИЛЛАТНИНГ КЕЛАЖАГИ — БИЛИМ ВА МАЪНАВИЯТДА

Давлатни иқтисодий ётқалтириш, қонунлар тартибга солиш, Қуролли Кучлар эса унинг сарҳадларини ҳимоя қилади. Бу — инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Бироқ дунё харитасида ўз ўрни ва қадрига эга бўлган ҳар қандай халқнинг энг муштақам қалъиси, унинг маърифати, маънавий имунитети ва руҳиятидир. Шу маънода, жорий йилнинг 1 июнь кунини давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг маданият, санъат ва адабиёт соҳалари намояндалари билан ўтказган учрашуви ҳамда бир гуруҳ ижодкорларга давлат мукофотларини топшириш маросими мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида мулқо янги даврни очиб берди.

Фикр

Учрашувда шоир ва ёзувчилар, актёр ва режиссёрлар, созанда, рассом ва ҳунармандлар иштирок этар экан, давлатимиз раҳбарининг айтган гаплари ҳар бир ижодкор қалбига энг нозик торларни титратган бўлса ажаб эмас: “**Битта яхши асар, таъсирчан кўшиқ миллатнинг руҳини кўтаради, биргина спектакль жамиятнинг тафаккурини уйғотади, кинодаги бир образ бутун авлоднинг қарашини ўзгартиради**”. Бу сўзлар шунчаки эътироф эмас, балки бугунги Янги Ўзбекистон шароитида ижод аҳлига юклатилган юксак маънавий масъулиятнинг ифодасидир.

Учрашувнинг энг муҳим амалий натижаларидан бири соҳада мулқо янги тизимнинг жорий этилиши бўлди. Театр, кино, рақс, фольклор, эстрада, тасвирий ва амалий санъат каби 21 та йўналиш бўйича алоҳида ижодий бирлашмалар ташкил этилиши белгиланди. Бу тизимнинг ўзига хослиги шундаки, уларга, бир томондан, тажрибали устоз ижодкорлар, иккинчи томондан эса вазирлар ва йирик компания раҳбарлари ҳамраислик қилади.

Бу нега муҳим? Шунинг учунки, эндиликда вазирлар энг қуёи поғонага тушиб, туманлардаги мусиқа мактаблари, маҳаллардаги бадий жамоаларнинг муаммоларини бевосита ҳал этади.

Театр ва кино соҳасида соғлом рақобатни юзага келтириш учун хусусий театрлар ҳам давлат томонидан кучли қўллаб-қувватланади. Уларга 50 та саҳна асари яратиш ҳаражати қопланади ва бинолар бепул ажратилади.

2

АВИАЦИЯ СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ ЭКОТИЗИМ

Мамлакатимизда авиация соҳасида янги экотизимни шакллантириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, ҳудудлардаги 7 та халқаро аэропорт замон талаблари асосида реконструкция қилинмапти. Мўйноқ, Кўқон, Зомин, Шаҳрисабз, Сарийосиё, Сўх туманларида янги аэропортлар барпо этилиб, уларнинг сони 18 тага етказилди.



Факт ва рақамлар

Навоий халқаро аэропорти фаолиятини лойиҳавий бошқарув тамойиллари асосида ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. 2030 йилга бориб аэропортда парвозлар сонини 2,3 баробарга ошириб йилга 7 мингтага, йўловчи ташиш ҳажмини 150 минг нафарга, юк ташишни эса 45 минг тоннага етказиш кўзда тутилган.

Шунингдек, аэропорт ҳудудида ҳаво кемаларига техник ва тижорат хизматлари кўрсатишга ихтисослаштирилган “порто-франко” эркин зонаси ташкил этилади.



2

БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИДА ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Тақдимотда наслчилик ва илмий ёндашув масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Сифатли чавоқ ва яхши генетика юқори ҳосилдорликнинг асосий шартлари экани таъкидланди. Шу боис карп, лақа, форель, осётр каби балиқ турларининг наслини яхшилаш, янги зотларни маҳаллий иқлим шароитига мослаштириш бўйича ишлар йўлга қўйилади.

Балиқчилик тармоғини рақамлаштириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Сувдан фойдаланиш ҳолати, ер майдонлари, ноқонуний балиқ овлалаш, солиқ тўловлари, овланган балиқ маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни бирлаштирган ягона электрон платформани яратиш тақдир қилинди. Соҳага сунъий интеллект технологияларини жорий қилишни кенгайтириш орқали харажатларни қисқартириш ва маҳсулдорликни ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз тақлифларни маъқуллаб, соҳани қўллаб-қувватлаш чораларини янада кенгайтириш зарурлигини қайд этди.

Мутасаддиларга балиқчилик тармоғини замонавий технологиялар, илмий ёндашув ва самарали бошқарув асосида риёқатлаштириш, тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли дастурхонига арзон, сифатли балиқ маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан топшириқлар берилди.

Келгуси йилдан тоғолди ҳудудларда йилга форель ва осётр балиғи етиштириш қувватларини яратиш режалаштирилган. Балиқчилик илмий-тадқиқот институти учун Оҳангарон дарёси бўйида тажриба-синов майдони ташкил этилади. Маҳаллий карп зотини яратиш бўйича хорижий грантлар жалб этилади.

Соҳада малакали кадрлар тайёрлаш ҳам муҳим вазифа сифатида белгиланди. Тошкент давлат аграр университетиде Аст-сахань давлат техника университети ва Хитойнинг Дялян океан университети билан ҳамкорликда балиқчилик ва аквакультура бўйича қўшма факультет очиб тақлифи кўриб чиқилди.

ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ДАСТУР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ



Аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб барча ҳудудларда хоспис муассасалари босқичма-босқич ташкил қилинади. Тошкент шаҳар ҳудудлараро хосписи паллиатив ва хоспис ёрдами методологик бошқариш, ҳудудларда мазкур хизматни ташкил этишга кўмаклашиш бўйича масъул муассаса этиб белгиланади.

Дастлаб Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида онкологик касаллиги сабабли паллиатив ва хоспис ёрдамида муҳтож беморларга хизмат кўрсатувчи мобил паллиатив бригадалар ташкил этилади. Самарқанд вилояти-

да оғир ва даволаб бўлмайдиган касалликларга чалинган болалар учун хоспис шаклида паллиатив ёрдам кўрсатиш марказининг фаолияти йўлга қўйилади.

Паллиатив ва хоспис ёрдамига муҳтожлиги электрон ахборот тизимида қайд этилган беморларга тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан қўшимча тиббий текширув ва кўриқларис тоғиронлик белгиланади. Уй шароитида парваришга муҳтож беморлар функционал крават ва махсус матраслар билан ваучер тизими асосида таъминланади.

Шунингдек, маҳалла даражасида паллиатив ёрдам кўрсатиш, уй

шароитида қараб туриш ва парвариш хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратиш, беморларнинг оила аъзолари учун "Оилани қўллаб-қувватлаш" хизматини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Тақдимотда гематологик ва онкогематологик касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари ҳам муҳокама қилинди.

2026 — 2030 йилларда бундай касалликларни эрта босқичларда аниқлаш улушини амалдаги 30 — 40 фоиздан 60 фоизгача ошириш режалаштирилган. Беморга таш-

хис қўйилган вақтдан трансплантация амалиётигача бўлган муддатни 6 ойдан 3 ойгача қисқартириш чоралари кўрилади. Гематологик касалликларга чалинган беморларни 100 фоиз ихтисослаштирилган тиббий ёрдам билан қамраб олиш, ҳудудларда гемопоэтик ўзақ ҳужайралари трансплантацияси амалиётларини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Тақдимотда давлат тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган тиббиёт ва фармацевтика ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, камида 15 йиллик иш стажига эга ходимлар фар-

зандларнинг республика олий таълим муассасалари бакалавриатида ўқиши учун йиллик контракт тўловининг бир қисмини, шунингдек, шундай иш стажига эга ходимлар иш олишга кредити асосида уй-жой сотиб олишда дастлабки бадалнинг бир қисмини қўллаб бериш тақдир қилинди.

Давлатимиз раҳбари тақлифларни маъқуллаб, кўриб чиқилган чора-тадбирларни сифатли амалга ошириш, ҳудудларда онкологик ва гематологик тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштириш, замонавий ташхислаш ва даволаш технологияларини жорий этиш юзасидан топшириқлар берди.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



Қайд этилганидек, сўнгги йилларда нарковазият жиддий ўзгариб, аънавий гиёҳвандлик воситаларининг ўрни синтетик наркотиклар эгалламоқда. Уларни тарқатиш усуллари ҳам ўзгариб, асосан, интернет орқали контактсиз шаклда амалга оширилмоқда. Шунингдек, мамлакат ичкарисиде яширин лабораториялар пайдо бўлаётгани ушбу соҳада ҳуқуқий ва ташкилий механизмларни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Янги қонун лойиҳасида давлат сиёсатининг 7 та асосий йўналиши белгиланмоқда. Улар орасида аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларда "гиёҳвандликка қарши им-

мунитет"ни шакллантириш, интернет орқали содир этилаётган наркотиқларга барҳам бериш, гиёҳвандликнинг барвақт профилактикаси, диагностикаси, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация тизимини такомиллаштириш каби чоралар мавжуд.

Лойиҳада наркотиклар айланмаси, гиёҳвандлик ва наркотиқларга қарши курашишда бевосита иштирок этувчи 14 та давлат органининг вазифа ва ваколатлари аниқ белгиланиши назарда тутилган. Қонуний муомаладаги моддалар устидан давлат назорати кўчайтирилиб, уларни олиб киришдан тортиб реализация қилишгача бўлган жараёнлар узлуксиз электрон назорат қилинади.

Прекурсорлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар муомаласини қатъий тартибга солишни янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ҳам кўриб чиқилди. Бу борада электрон назорат тизимини жорий этиш, ноқонуний ҳолатларга қарши идоралараро ҳамкорликни кўчайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Тақдимотда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Айрим фуқаролар томонидан вояга етмаган шахсларга транспорт воситасини бошқаришга рухсат берилаётгани, бу эса йўлларда ўлим ва жиддий жароҳат олиш ҳолатларига сабаб бўлаётгани қайд этилди.

Шу боис янгича ёндашув асосида йўл ҳаракати қондаларига риёя этилишини таъминлаш, оғир оқибатли аварияларнинг олдини олиш, бунинг учун жавобгарликни кўчайтириш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз гиёҳвандлик ва наркотиқларга қарши курашини замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшлар орасида мазкур иллатнинг тарқалишига қатъий чек қўйиш, шунингдек, йўлларда инсон ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича тақлифларни маъқуллади. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Ў.А.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ



Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси мажлисида қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди. Дастлаб талабаларни тураржой билан таъминлаш ишлари ҳолати кўриб чиқилди.

Сенат кўмитасида

Таъкидланганидек, талабаларни тураржой билан таъминлаш учун давлат-хусусий шериклик лойиҳалари асосида 2022 — 2025 йилларда янги биноларни қуриш, мавжуд биноларни мослаштириш орқали реконструкция қилиш ҳисобига 77,9 мингта янги ётоқ ўрни яратилган.

2026 йил март ойи ҳолатига давлат олий таълим ташкилотларидаги талабалар тураржойлари сони 391 тага етказилган ёки 159,2 мингдан ортик талабаларни жойлаштириш имконияти мавжуд. Шу тариқа ётоқхонага эҳтиёжи бор талабаларни уй-жой

билан таъминлаш даражаси 57 фоизга етказилган. Кўмиа аъзолари ўрганишлари кўра, Наманган вилоятида жойлашган 9 та олий таълим ташкилоти 5 580 ўринли 9 та талабалар тураржойига эга. 2022 — 2025 йиллар давомида Вилоятда 2 750 ўринли 5 та талабалар тураржойи барпо этилган.

Ўрганиш натижасида бу борада жиддий муаммолар ҳам борлиги аниқланди. Хусусан, Наманган вилоятидаги 5 та нодавлат олий таълим ташкилотининг 4 тасида тураржойлар қурилма-

ганлиги сабабли талабаларнинг асосий қисми ижарада яшашга мажбур бўлмоқда. Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган айрим ётоқхоналарда ювиниш хоналари санитария-гигиена талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Наманган давлат педагогика институтига қарашли учта талабалар тураржойи 1978 — 1981 йилларда қурилган бўлиб маънан эскирган, замонавий талабаларга мос жиҳозланмаган.

Мажлисида талабаларни тураржой билан таъминлашга масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Шунингдек, йиғилишда "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини, шу жумладан, ноғиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ноғиронлиги бўлган шахсларнинг тенг ҳуқуқчилигини бузганлик учун жавобгарлик белгиланиши, уларга одил судловдан фойдаланиш учун қулай имкониятлар яратиши ва ушбу шахсларнинг муурожаати талаб қувватлаган ҳолда ҳамда уларни ишга қабул қилган ёки уларга ижтимоий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари берилишини назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Сенаторлар томонидан мазкур қонун ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлаш чоралари ташкиллаштиришга ҳамда ноғиронлиги бўлган шахсларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг ва қулай шарт-шароитлар яратиш орқали уларнинг турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилиши таъкидланди.

Мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан кўмиа қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ёшлар

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг ҳудудларга хизмат сафарлари давомида ёшлар билан очик мулоқотлар ўтказиб, уларнинг қизиқишлари ва муаммоларини ўрганиши одат тусини олган. Бундай учрашувлар ёшларнинг келгуси режаларини пишиқ-пухта тузишларида муҳим ўрин тутаяди.

Шундай тадбирлардан бири Жиззах вилоятида бўлиб ўтди. Унда Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Алишер Аъзамжўраев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Жиззах давлат политехника институти, "BYD" автомобиль заводи муҳандислар тайёрлаш марка-

Сўхбат чоғида мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилаётган ислохотлар, уларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш чора-тадбирлари ва сифатли таълим олишлари учун яратиладиган имкониятлар хусусида фикр алмашилди.



зи, Қурилиш ва халқаро тоғида хайдовчиларни тайёрлаш мактаби, Абу Али ибн Сино нолимидаги Жамоат саломатлиги техникуми хорижий тилларни ўқитиш марказида тахсил олаётган ёшлар билан учрашувлар ўтказди.

Учрашувларда мамлакатимизда йигит-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг сифатли таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, хорижий тилларни ўрганиши, муносабатларни яхшилаш ҳамда ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариши учун яратилаётган имкониятлар хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки тобора орткилаётгани шубҳасиз. Айниқса, муҳандислик, саноят, рақамли технологиялар, тиббиёт, инновациялар ва тадбиркорлик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлаш мамлакатнинг барқарор иқтисодий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Талабалар таълим сифати, иш билан таъминлаш, стартап ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, халқаро таълим дастурларида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, чет тилларини ўрганиш ва рақамли кўникмаларни ривожлантириш масалалари бўйича қатор тақлифлар билдирди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Орзиқ Қоziхонова ҳам Фарғона вилоятида йигит-қизлар билан очик мулоқот ўтказди.

Ёшларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларни инновацион ғоя ва лойиҳаларга ижросига кенг жалб этиш, иқтидорли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Наманган туманида ташкил этилган "Сенатор ва ёшлар" учрашувида Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон Нажмидиново мамлакатимизда навқизлар авлод учун яратилаётган имкониятлар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда таълим, бандлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан фикр алмашилди.

Тадбир интерфаол руҳда ўтказилиб, келажагимиз эгалари таълим сифатини янада ошириш, иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш ҳамда спорт инфратизимини яхшилашга доир мулоҳазаларни билдирди.

Шунингдек, "Раҳбар ва ёшлар" учрашуви доирасида Ўзбекистон Миллий университетида Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси Одилжон Маматқаримовнинг талабалар, тадқиқотчилар ва докторантлар билан очик мулоқоти бўлиб ўтди.

Учрашувда мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш масалалари, илм-фан ва инновация соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, ёшларнинг сифатли

таълим олиши, илмий тадқиқот фаолияти билан шугулланиши ҳамда ўз инновацион ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариши учун яратилаётган имкониятлар хусусида сўз борди.

Илм-фан ва таълим уйғунлигини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий изланишларга қизиқишини ошириш ҳамда замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаши учун зарур шарт-шароитларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Очик мулоқот тарзида ўтган учрашувда талабалар ва ёш тадқиқотчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан муурожаат қилиб, долзарб масалалар юзасидан батафсил жавоблар олди. Шунингдек, йигит-қизлар томонидан билдирилган тақлиф ва ташаббуслар муҳокама қилиниб, бундай учрашувлар уларнинг илм-фанга қизиқишини ошириш, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Шунингдек, пайшанба — "Ёшлар кўзи" доирасида Олий Мажлис Сенатида "Navoiyugan" давлат қорхонасининг 100 нафар фаоли ҳафта Тошкент давлат аграр университети талабалари билан учрашувлар ўтказилди.

Очик мулоқот руҳида ўтган тадбир давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Ўз навбатида, улар фаоллигини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда инновацион ғояларини амалиётга татбиқ этиш бўйича ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Учрашув давомида Сенатнинг конституциявий ваколатлари ва асосий фаолият йўналишлари, жумладан, қонунларни кўриб чиқиш ҳамда муҳокама қилиш тартиби ҳақида батафсил маълумот берилди. Сенат кўмиталари фаолияти, улар томонидан ҳудудларда олиб борилаётган ўрганишлар ва таҳлилий ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти фаолияти орқали йигит-қизларнинг ташаббуслари ва тақлифларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш учун кенг имкониятлар яратилгани алоҳида эътироф этилди.

Ёшлар парламенти аъзолари қонунчилик ташаббусларини илгари суриш, жамоатчилик назорати тадбирларида фаол қатнашиш ҳамда жамият ва давлат ҳаётига оид долзарб масалалар юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирishi имкониятига эга экани таъкидланди.

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ («Халқ сўзи»).

МИЛЛАТНИНГ КЕЛАЖАГИ — БИЛИМ ВА МАЪНАВИЯТДА

Энг қизиқарли янгиликлардан бири — сотилган ҳар бир чиптага Давлат бюджетидан қўшимча 10 минг сўм (ҳудудий гастролларда эса 20 минг сўм) гонорар қўшиб берилиши.

Кино соҳасида яқинда Канн халқаро фестивалида Гран-при олган ёш киноижодкорлар — Суҳроб Қодиров ва Дилшод Усмоновга 1 миллиард сўмлик ваучер топширилгани бутун ёш ижодкорлар учун зўр ибрат бўлди. "Ўзбекфильм"га миллий маком берилиб, у марказий киноконцернга айлантирилади. Бизга шакли чиройли, лектин гоёсиз асарлар эмас, балки халқ дарди, гурури ва характери акс этган ҳаётий асарлар кераклиги алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, келажак авлод тарбияси мактабдан бошланади. Эндилки мактабларда мусика ва тасвирий санъат дарслари мутлақо янги "арт" ўқув дастури асосида ўтилади. Бу тизим янги ўқув йилдан бошлаб ҳар бир вилоятда ўнлаган мактабда таърибадан ўтказилади. Бола 1-синфдан расм ва мусика орқали ижодга йўналтирилса, юқори синфларда дизайн, графика ва сунъий интеллект ёрдамида лойиҳалар қилишни ўрганади. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз орзусини баён қилди: "Менинг ниятим — ҳар бир хонадонга мусика чолғуси кириб борсин, ҳар бир ўғил-қизимиз мусика қилишни ўргансин. Чунки санъатни, мусикани севган боланинг қалби тоза, тафаккури кенг бўлади". Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз-

ки, бугунги куннинг ислохотлари шунчаки навбатдаги таъриба эмас, балки миллат генофонди ва маънавий кашшоқликдан, интернетдаги ёт ғоялардан асраб қоладиган қуролдир. Ушбу қуролнинг асоси ва ҳаракатлантурувчи кучи эса узвий таълим ва тарбия тизимидир. Виртуал олам ҳеч қандай чега-ра ёки божона назоратсиз ҳар бир хонадонга, ҳар бир ёшнинг смарт-фонига бостириб кирган бугунги шароитда фақатгина тақдирлар ёки интернетни чеклаш билан ёшларни асраб бўлмайди. Энг самарали ва ягона қалқон — боланинг онгида ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитет яратиш. Бу иммунитет эса фақат тўғри берилган таълим ва гўзал тарбия мевасидир.

Зеро, тарбиясиз берилган таълим инсониятга фақат зарар келтириши, маънавиятсиз билим эса хавфли кучга айланиши ҳақида аж-додларимиз кўп бор огоҳлантирган. Бугун мактабларимиз олдида турган энг катта вазифа — нафақат рақамли технологияларни мукамал биладиган мутахассис, балки ўзлигини, тарихини, миллий қадриятларини муқаддас биладиган, қалби Ватанга муҳаббат билан йўрилган комил инсонни тарбиялаш.

Дунёдаги бугунги мураккаб ва тахликалий вазиятда миллий бирлик ва ҳамжихатлик ҳар қачонгидан ҳам зарур. Интернет майдонидеги турли ёт ғояларга қарши иммунитет ҳосил қилишда ижодкор-зиёлиларнинг рақамли дунёдаги овози баландрок янграши шарт. Зотан, бутун халқимизни "Мен Ўзбекистон фарзандиман!" деган эзгу ва ягона ғоя атрофида бир қалб, бир тан бўлиб бирлаштириш — бугун давлат яратиб бераётган шароитларга нисбатан ижод ахлининг энг муносиб амалий жавоби бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда Ўзбекистонда таълим соҳасига қаратилган эътибор ва амалга оширилаётган ислохотлар шунчаки ўзгаришлар эмас, балки мамлакат тарихидаги тизимли трансформация босқичидир. Бугун таълим тизими давлат пой-ни деворини мустаҳкамловчи энг асосий стратегик инвестицияга айланди.

Бу янгилинишлар кўлами ва моҳиятини бир неча муҳим йўналишларда кўриш мумкин.

Биринчидан, чекка-чекка қишлоқлардаги мактабларнинг замонавий қиёфага келтирилиши, энг сўнгги технологиялар ва лабораториялар билан жиҳозланиши энди ўқитиш ҳолати айланади. Энг муҳими, ўқитувчи касбининг нуфузи тикланди. Педагогларнинг моддий аҳоли яхшилини, жамиятдаги ижтимоий мақоми тубдан ўзгарди. Энди муаллим мажбурий меҳнатдан йироқ, фақат дарс ва бола тарбияси билан банд ҳақиқий зиёли сиймосида намоен бўлмоқда.

Иккинчидан, олий ўқув юртра-рига қабул квоталарининг бир неча

баробар оширилиши, юзлаб янги хорижий ва хусусий университетларнинг очилиши ёшлар учун ўқишга киришдаги сунъий тўсиқларни парчалаб ташлади. Эндилкида олий маълумот олиш элитар имтиёз эмас, балки билимга чанқоқ ҳар бир ёшнинг конституциявий имкониятидир.

Учинчидан, шунчаки диплом бериш тизимидан воз кечилиб, халқаро баҳолаш дастурлари, илгор хорижий методикалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ёшларнинг нуфузи баланд халқаро танловларда, фан олимпиадаларида қўллаб-қувватлаш, давлат хизобидан дунёнинг энг етакчи илм даргоҳларида тахсил олаётгани ушбу эътиборнинг амалдаги меваси ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаган сиёсати бир оддий ҳақиқатга таянади: иқтисодий ресурслар кун келиб тугаши мумкин, бироқ интеллектуал салоҳият миллиятнинг энг битмас-туганмас бойлигидир.

Бугун таълим ва маданият соҳасида қўйилаётган ҳар бир дадил қадам, киритилаётган миллиярдлаб сармоялар Ўзбекистонни Учинчи Ренессанс пойдевори сари етакловчи энг ишончли кучдир. Бу имкониятлардан унумли фойдаланиш, фарзандларимизни ҳам билимли, ҳам юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш барчамизнинг миллат олдидаги энг муқаддас бурчимиз.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудоға ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

КУН ТАРТИБИДА — ЁШЛАР ТАЪЛИМИ ВА БАНДЛИГИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова Тошкент шаҳрининг Миробод ва Чилонзор туманларида бўлиб, талабалар билан очиқ мулоқот ўтказди ҳамда қатор ижтимоий муассасалар фаолиятини ўрганди.

Ўрганиш

Мулоқот давомида ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилаётган ислохотлар ва белгиланган устувор вазифалар ҳақида сўз юритилди. Хусусан, йигит-қизларни хорижий тиллар ва замонавий касб-хунарларга ўқитиш, уларнинг стартап ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Сенатор тумандаги Илк ривожланиш маркази фаолияти билан ҳам танишди. Марказда мактабга-ча ёшдаги болалар учун яратилган шарт-шароитлар, таълим-тарбия жараёни кўздан кечирилди. Марказ раҳбариятига тиббиёт хонасини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда болалар майдончасини кенгайтириш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Шунингдек, сенатор Миробод туманидаги 154-умумтаълим мактабидаги робототехника синфи фаолиятини ҳам кўздан кечирди. Робототехника таълимини янада кенгайтириш, қўриқчи ёш топмасидидаги ўқувчиларни қамраб олиш, қўшимча ўқув хоналари ташкил этиш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича тақлифлар муҳокима қилинди.

Сенатор халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгаши раҳбарияти ҳамда ҳокимлик масъуллари билан биргаликда туманда таълим, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунарга ўқитиш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш йўналишларида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ҳам кўздан кечирди.

Дастлаб "Савдо ва сервис" юридик шахслар уюшмаси ҳузурдаги "Савдо академияси" ўқув маркази фаолияти ўрганилди. Бу ерда чакана савдо соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш, замонавий таълим технологиялари асосида назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш ишлари йўлга қўйилган. Хозирга қадар турли касблар бўйича 816 нафар тингловчи таълимни муваффақиятли тамомлади. Шунингдек, Шароф маҳалласидаги "Fairytale" нодавлат мактабга-ча таълим ташкилоти фаолияти билан танишилди. Замонавий талаблар асосида ташкил этилган муассаса 200 нафар болани қамраб олиш имкониятига эга бўлиб, бунинг натижасида 50 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланган.

Бундан ташқари, Чилонзор тумани Оила ва хотин-қизлар маскани фаолияти ҳам назардан четда қолмади. У ерда хотин-қизларни ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Хусусан, маскан ҳузурда яқинда очилган янги ўқув марказида хотин-қизларни замонавий касбларга ўқитиш ва уларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган дастурлар йўлга қўйилган.

Ўрганишлар якунида таълим, касб-хунарга ўқитиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳаларида уйданаётган ишлар аҳоли фаровонлигини ошириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Сенатор сўрови

АҲОЛИ МУАММОСИ ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Орал Атаниязов Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига сенатор сўрови юборди.

Сенаторнинг Ҳўжайли туманидаги аҳоли билан учрашувлари ва жойларда ўтказилган ўрганишлар давомида Саршунғил маҳалласи ҳудудида оқова сувлар кириб келаётгани аниқланган. Мазкур ҳолат эса аҳоли ўртасида асосли хавотирларга сабаб бўлмоқда.

Хусусан, 26 май куни ўтказилган ўрганишлар давомида муаммонинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилиниб, ҳудуддаги дренаж коллектори қариб ўн йилдан бунён самарали фаолият юртимаятгани маълум бўлди. Шунингдек, узунлиги 6 километр бўлган дренаж тармоғи ёввойи ўсимликлар билан қопланиб кетгани оқибатида сув оқими тўсилиб, каналларда сув тўпланиши кузатилган.

Мутахассислар хулосасига кўра, кучли сув тошқини қайд этилмаган бўлса-да, маҳалла ҳудудида 10 — 20 сантиметр баландида сув кириб борган. Бу эса айрим уйларнинг пойдевор қисми намланишига сабаб бўлган ва тураржойларнинг техник ҳолатига салбий таъсир кўрсатган.

Қайд этилганидек, мавжуд вазият келгусида ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши, ҳудудларнинг ботқоқлашиши ҳамда ижтимоий инфратузилма объекти фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Хусусан, мазкур ҳудудда 1091 ўқувчи тахсил олаётган 6-мактаб, 150 нафар тарбияланувчи қамраб олинган 15-мактабга-ча таълим ташкилоти ҳамда қатор аҳоли пунктлари жойлашган.

Сўровда маҳаллада янги уй-жойлар сони ортиб бораётгани, бугунги кунда у ерда 6 906 киши, жумладан, 1 265 та хонадон ва 1 658 та оила истикомат қилаётгани инобатга олиниб, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада тақомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ўз навбатида, мутасадди раҳбарлардан Саршунғил маҳалласидаги оқова сувлар кириб келаётган ҳудудда химёа дамбасини барпо этиш, дренаж тизимини модернизация қилиш, зарур гидротехник иншоотларни қуриш ҳамда ички қўчаларни асфальтлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва режалаштирилган чора-тадбирлар юзасидан асосланган ахборот тақдим этиш сўралди.

«Халқ сўзи».

МУРОЖААТЛАР ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА?

Депутатлар томонидан соҳада аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, мавжуд инфратузилмани модернизация қилиш, амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш устидан назоратни кучайтириш мазкур соҳада мурожаатларнинг камайишига, айрим ҳолатларнинг олдини олишга имкон бериши таъкидланди.

Муҳокама давомида депутатлар томонидан соҳада иш олиб борувчи ходимларнинг малакасини ошириш, вазирлик ҳудудий бошқармаларида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолатини мунтазам ўрганиб бориш, мурожаатларни кўриб

чиқиш борасидаги ишлар юзасидан жамоатчилик хабардорлигини ошириш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Раҳматилло ШУКУРОВ, қўмита аъзоси: — Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш аҳолини ўйлантираётган долзарб масалаларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга амалий ечим топишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, энергетика соҳасида келиб тушаётган мурожаатларни таҳлил қилиш, уларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш аҳоли фаровонлигини таъминлаш, фуқароларнинг турмуш ш



роитларини яхшилашга бевосита хизмат қилади. Шу боис йиғилишда мазкур соҳада сайловчилар томонидан билдирилаётган мурожаатлар ва кўтарилаётган масалалар атрофида муҳокама қилиниб, уларни ҳал этиш юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берилди. Йиғилиш якунида ушбу масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ЭКОЛОГИК ТАШАББУСЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДА ИЗЧИЛ ҚАДАМЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан кенгайтирилган тадбир ўтказилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда олимлар ва экспертлар Қонунчилик палатасининг мамлакат экологик қонунчилигини тақомиллаштиришдаги ўрнини алоҳида таъкидлаб, соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қонунларни қабул қилиш, давлат дастурлари ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш ҳамда экологик муаммоларга ечим топишда ҳукумат ҳамда ижро органлари билан самарали ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик экспертлаш, чиқиндиларни бошқариш, атмосфера ҳавоси муҳофазаси, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда биологик хилмаҳилликни сақлашга қаратилган қатор қонунлар со-

ҳада амалга оширилаётган ислохотларга ҳамохан тарзда тақомиллаштирилгани ургунланди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва халқаро экологик мажбуриятларни самарали амалга ошириш мақсадида Қонунчилик палатасида Иқлим ўзгариши оқибатларини камайитириш ва "яшил" иқтисодиётга ўттиши тезлаштириш масалалари бўйича комиссия ташкил этилди. Мазкур комиссия иқтисодиёт тармоқларида энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, углерод чиқиндиларини қисқартириш ва мамлакатнинг "яшил" ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича давлат органлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Тадбирда "Менинг боғим" ташаббуси мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш ва фуқароларнинг экологик ислохотлардаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган муҳим жамоатчилик лойиҳаларидан бири экани алоҳида айтилди. Ушбу ташаббусни ҳаётга татбиқ қилишда депутатлар

фаол иштирок этиб, ҳудудларда лойиҳа ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширмоқда.

Қизилгул КОСИМОВА, қўмита аъзоси:

— Биз, депутатлар сайлов округларидagi фаолиятимиз давомида экологик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, яшил ҳудудларни сақлаш ва кўпайтириш бўйича жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу каби янги институтлар экологик сифатини амалга оширишда парламентнинг таъсирчан институти сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда экологик ислохотларнинг манзилли ва самарали бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тадбир якунида экологик ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, парламент назорати самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСINI НАЗОРАТ ҚИЛИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ РОЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан "Давлат бюджетини шакллантиришда ва ижросини таъминлашда парламентнинг роли" мавзусида семинар ўтказилди.

Унда халқ вакиллари Давлат бюджетни мамлакат тараққиёти ва ижтимоий ҳимоясини таъминловчи асосий молиявий ҳужжат эканини ҳамда 2020 йилдан бошлаб бюджетнинг қонун шаклида тасдиқланиши Ҳукумат ва вазирликлар масъулиятини ошириб, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда ташқи қарз ҳисобидан ижроси таъминланадиган лойиҳаларни тўлиқ парламент назоратига олиш имконини берганига алоҳида тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, бюджет лойиҳасига асос бўлувчи фискал стратегия ва макроиқтисодий прогнозлар ҳар йилнинг июнь ойида парламентга тақдим этиб келинаётгани бюджет параметрларини олдидан пухта таҳлил қилиш ва халқ манфаатларига мослаш имконини бераётгани қайд этилди.

Вазирликлар ва идоралар вакиллари, ўз навбатида, депутатлар томонидан кўтаришга қаратилган муносабат билдириб, парламент назорати ва ҳисобдорлиқнинг кучайтирилиши ижро интизомини оширишда бош оми бўлаётганини таъкидлади. Ҳукумат вакиллари молиявий ресурсларнинг шунчаки ўзлаштирилиши эмас, балки уларнинг якуний натижадорлигига эришиш вазирликларнинг бош вазифасига айланганини қайд этди. Шу билан бирга, давлат дастурлари ижросида мақсадли индикаторлардан орда қолмаслик бўйича барча зарур чоралар кўрилаётгани билдирилди.

Семинар иштирокчилари муҳокама жараёнида мазкур конституциявий тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш ва бюджет жараёнларида ҳисобдорликни таъминлаш мақсадида тизимнинг қонуний асослари тўғрисида янгиликларни янада тақомиллаштиришга қаратилган мақсадли индикаторларнинг бажарилиши бўйича ҳар йили ташқи аудит ўтказиб, тегишли хулосаларни Вазирлар Маҳкамаси орқали мажбурий тартибда Қонунчилик палатасига киритиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Яқунда қўмита аъзолари томонидан парламент назорати механизмларини янада тақомиллаштиришга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

«Халқ сўзи».

Наргиза САЛОМОВА, қўмита аъзоси:



— Давлат молиясини бошқариш тизимини тақомиллаштириш стратегияси доирасида муҳим рақамли инструментлар ва янги институтлар изчил татбиқ этилмоқда. Бу бўйича семинарда қизгин фикр алмашилди. Хусусан, бюджет шакллантиришда янги босқичга олиб чиқишда "Ташаббусли бюджет" доирасида жорий этилган "депутат ташаббуси" амалиёти муҳим восита бўлмоқда.

Семинарда, шунингдек, депутатлар натижага йўналтирилган дастурий бюджетлаштиришнинг кучайтириш мақсадида Ҳисоб палатасининг масъулиятини оширилгани, эндиликда ушбу орган вазирликларнинг мақсадли индикаторларини бажарилиши бўйича ҳар йили ташқи аудит ўтказиб, тегишли хулосаларни Вазирлар Маҳкамаси орқали мажбурий тартибда Қонунчилик палатасига киритиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Яқунда қўмита аъзолари томонидан парламент назорати механизмларини янада тақомиллаштиришга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

«Халқ сўзи».

Ишчи гуруҳларда

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси тадбиркорлик фаолиятининг кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилишини ўтказди.

Депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ишчи гуруҳ аъзолари ва ҳуқуқшунослар иштирок этган йиғилишда қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилиш давомида берилган асосли тақлифлар таҳлилга тортилди.

Ушбу қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектларининг тенглиги, ишончнинг химёа қилиниши, мулк дахлсизлиги, ишбилармонликка оид қонунчиликнинг барқарорлиги ва аниқлиги улар фаолиятининг асосий принциплари сифатида белгиламоқда. Бу тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, давлат органлари аралашувини чеклаш ва бизнес юритишда

ишончли муҳит яратиш учун хизмат қилади. Тадбиркорлик субъектларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий турлари ва воситалари белгиланаётгани эса бизнес барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий фаолликни оширишга имкон беради.

Муҳокама давомида депутатлар томонидан қонун лойиҳасида назарда тутилган айрим нормалар юзасидан аниқлаштирувчи саволлар берилди. Шу билан бирга, лойиҳани янада тақомиллаштириш, унинг ҳуқуқий жиҳатдан пухталигини таъминлаш ҳамда амалиётда самарали қўлланилишига эришиш мақсадида қатор тақлиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ, қўмита раиси ўринбосари:

— Мазкур ҳужжат мамлакатимизда тадбиркорлик учун янада қулай шароит яратиш ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Қонун лойиҳасида белгилаётган нормалар эса тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, хусусий мулк дахлсизлигини мустаҳкамлаш ва иқтисодиётда хусусий сектор улшини кенгайтиришга хизмат қилади.

Айни пайтда қонун лойиҳаси қуйи палатанинг ялпи мажлисига иккинчи ўқишга киритиш учун тайёрланмоқда.

ЮРИДИК АТАМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ БИРХИЛЛАШТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишлаб ўтказилган ишчи гуруҳ йиғилишида депутатлар томонидан берилган барча тақлифлар тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ҳуқуқшунослар иштирокида атрофлиқа кўриб чиқилди.

Депутатлар илгари сурган муҳим тақлифлар қонун лойиҳасининг мазмун янада пухта, ҳуқуқий жиҳатдан асосли ва амалиётда самарали татбиқ этишга қулай бўлишини таъминлашга хизмат қилиши ургунланди.

Айтилганидек, мазкур қонун лойиҳасида қонунчилик ҳужжатларида фойдаланилган айрим тушунча ва юридик атамаларни ягона шаклда қўллаш ва уларнинг юридик-техник жиҳатдан тўғри баён этилишини таъминлашни назарда тутувчи ўзгартиришларни киритиш тақлиф қилинмоқда.

Дилмурод АРТИКОВ, қўмита аъзоси:



— Ишчи гуруҳ йиғилишида қонун лойиҳаси обдан муҳокама этилди. Айниқса, ундаги айрим нормаларни тақомиллаштириш бўйича берилган тақлифлар ҳужжатнинг мазмунан пухта, ҳуқуқий жиҳатдан асосли ва амалиётда самарали қўлланилишига имкон беради. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши эса қонун ҳужжатларидаги тушунча ва юридик атамаларнинг қўлланилишидаги ноаниқликларни бартараф этишга, уларни бирхиллаштиришга хизмат қилади.

Масъул қўмитада қонун лойиҳасини тақомиллашга етказиш ишлари давом этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ҚОНУН БЕРГАН ИМКОНИЯТ НЕГА ИНОБАТГА ОЛИНМАЯПТИ?

Мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилиш, уни соддалаштириш ва рақамлаштириш бўйича изчил чоралар амалга оширилмоқда. Фуқаролар учун электрон хизматлар кенгайтириш, ҳисоботларни автоматлаштириш, онлайн тўлов тизимларининг жорий этилиши солиқ маданиятининг ошишига хизмат қилаётгани шубҳасиз. Мухтасар айтганда, солиқ маданияти фақат тўлов интизоми эмас, балки фуқароларнинг давлат олдидagi масъулиятини англаш даражасини ҳам фидоалайди. Шу маънода, бугун солиқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар айнан шу масъулият ва ишончли мустаҳкамлашга қаратилган.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Солиқ кодексининг 423 ва 440-моддаларига мувофиқ, жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиқини 15 апрель ва 15 октябрда қадар тенг улушларда бўлиб тўлаш имкониятига эга. Аммо айрим ҳолатларда фуқаролардан биринчи мuddат ўтмасидан туриб иккинчи мuddат солиқ қардорлигини ҳам мuddатидан олдин ундириши чоралари кўрилаётгани ҳақида мурожаатлар кўпаймоқда. Натижада хали қонуний тўлов мuddати тугамаган қаралар бўйича ёки тўланган ҳолатларда ҳам баъзи ҳолларда суд қарорлари чиқарилиб, фуқаро мажбурий ижрога тортилган ҳақида эътирозларга сабаб бўлмоқда. Қолаверса, бу ҳолат фуқароларнинг оилавий бюджетини

барқарорлаштиришда муаммолар туғдирмоқда.

Қонун берган имконият нега амалиётда инобатга олинмаяпти? Фуқаро белгиланган мuddатгача тўловни амалга оширса-да, унинг номи нега қарздорлар рўйхатида тушиб қолмоқда? Бу жараёнда солиқ идоралари айбдорми ёки кўр-қўрона ҳукм чиқараётган суд органлари?

Бунга бир мисол: мурожаатчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда кўра, 2026 йил учун ҳисобланган ер ва мулк солиқлари белгиланган тартибда — 15 апрель куни тўлашган. Термиз шаҳар солиқ инспекцияси томонидан тўлов мuddати тугамасдан, яъни 14 апрель куни судга даъво ки-

ритилган. Яна бир ачинарли жиҳат шундаки, тўлов ҳақидаги маълумотлар солиқ органлари томонидан 20 апрель куни расмийлаштирилиб, фуқарога кенг етказилган. Шу орада эса суд томонидан қарор чиқарилиб, у мажбурий ижро органларига юборилган. Фуқаро томонидан берилган эътирозномадан сўнг суд ўз қарорини бекор қилган бўлса-да, мазкур ҳолат амалиётда жиҳдий ҳуқуқий саволларни юзага чиқармоқда.

Мазкур вазиятни мазмунан таҳлил қилганда, бир нعت асосий муаммолар аққол кўринади. Аввало, қарз мавжуд бўлмаган ҳолда ундирув жараёнининг суд тартибидеа бошланиши фуқаронинг ҳуқуқий кафолатларига нисбатан жиҳдий эътирозларини келтириб чиқаради. Иккинчидан, солиқ маълумотларининг ўз вақтида янгилашмаслиги, электрон базалар ва суд органлари ўртасидаги ахборот алмашинувидаги кечикишлар тизимларро мувофиқликнинг етарли даражада эмаслигини кўрсатади. Учунчидан эса шу каби узилшлар фуқароларнинг ортиқча сарф-харажат қилишига, давлат божлари тўлашига ва асоссиз мажбурий ижро жараёнларига тушиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Ҳуқуқий нуктаи назардан қаралганда, Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли нормаларига

мувофиқ, суд қарори фақат қарз мавжудлиги аниқ ва ҳужжатлар билан тўлиқ тасдиқланган ҳолда чиқарилиши лозим. Агар қарз тўлиқ ёпилган бўлса ёки тўлов мuddати тугамаган бўли, у ҳолда ундирув учун ҳуқуқий асос мавжуд бўлмайди. Шу жиҳатдан мазкур ҳолатда дастлабки материалларнинг тўлиқ ва аниқ текширилгани, айрим босқичларда расмий маълумотларнинг долзарблиги таъминланмагани ҳуқуқий жараёнлар сифатига доир саволларни ўртага чиқаради.

Солиқ маданияти масаласига кенгроқ ёндашилганда, унинг моҳияти фақат фуқаролар томонидан солиқ тўловларини ўз вақтида амалга ошириш билан чекланмайди. Бу, айни пайтда, давлат органларининг ҳам аниқлик, шафдофлик ва ўз вақтида ҳаракат қилиш мажбуриятини англайди. Чунки ҳар қандай кечикиш, ноаниқлик ёки шомашшоҳлик билан қабул қилинган қарор фуқароларнинг давлат институтларига ишончига бевосита таъсир кўрсатади.

Шу нуктаи назардан, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун қатор тизимли ечимлар муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, солиқ тўловлари бўйича реал вақт режимида янгиладан ягона электрон база тизимини янада тақомиллаштириш, суд ва солиқ

органлари ўртасидаги маълумот алмашинувини тўлиқ автоматлаштириш, суд қарори чиқаришдан олдин мажбурий текширув босқичини кучайтириш, фуқаролар учун ортиқча харажатлар келиб чиққан ҳолатларда компенсация механизмларини жорий этиш ҳамда солиқ органлари ходимларининг масъулиятини аниқ ва қатъий белгилаш зарурати пайдо бўлмоқда.

Солиқ тизими канчалик замонавий ва рақамлашган бўлмасин, унинг ҳақиқий

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Тадқиқотдан амалиётга

Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали профессори Сайёра Муродова раҳбарлигида Орол денгизининг қуриган тубидаги ўта шўр тупроқларда ўсимликлар ҳаётчанлигини оширишга қаратилган амалий лойиҳа ижросига киришилган.



Лойиҳада профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда, иқтидорли талабалар ҳам фаол иштирок этапти. Тадқиқот давомида ҳудуднинг шўр тупроқларидан мингдан ортиқ микроорганизмлар намуналари ажратиб олинди, энг самарали 100 таси асосида махсус микробиологик коллекция яратилди.

Улар негизда ишлаб чиқилган "Замин-М" ва "Ризотуплам" биопрепаратлари Оролбўйи шароитида ўсимлик уруғларининг унвчанлиги ҳамда чидамлилигини оширишда юқори самара кўрсатаётди.

Мазкур илмий ишланма Оролбўйида экологик барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилиш билан бирга, талабаларнинг илмий тадқиқотларда иштирок этиши ҳамда амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш учун ҳам муҳим майдон вазифасини ўтамоқда.

«Орол болалари» оромгоҳида робототехника клуби очилди



Мамлакатимиз Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидаги «Орол болалари» оромгоҳида робототехника клуби ташкил этилди.

Илк амалий машғулотларга болалар робототехника ва муҳандислик йўналишлари бўйича дастлабки билимларга эга бўлиб, футбол роботлари билан ишлаш, ЛЕГО конструкцияларини йиғиш, "3D" моделлаштириш ва "3D" принтер технологиялари билан танишиш, шунингдек, пластик бутилкалардан ракета ясаш каби қизиқарли машғулотларга жалб этилди.

Бундай инновацион машғулотлар ёшларнинг замонавий технологияларга қизиқишини ошириш, ижодий ва муҳандислик тафаккурини ривожлантириш, амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Глобал пластик муаммосига замонавий ечим

Тошкент давлат аграр университетининг 1-босқич талабаси Саида Сайдирахмонова глобал пластик муаммосига инновацион ечим топди.

Гап шундаки, унинг "Мирзо Улуғбек ворислари" танловининг республика босқичида голибликни кўлга киритган "EcoBind" (экополимер бетон) лойиҳаси пластик чиқиндиларни қайта ишлаб, улардан экологик хавфсиз қурилиш материаллари яратишга қаратилган.

Лойиҳанинг асосий афзаллиги парчаланиши узок мuddат талаб қилувчи пластик чиқиндиларни қайта ишлаб, аънавий бетон саноатида хос бўлган зарарли газлар миқдорини камайтиради ва "ашир" иқтисодий тамойилларига тўлиқ жавоб беради. Шу билан бирга, ушбу инновацион технология асосида олинган махсус олинган маҳаллий муқобилларига нисбатан анча енгилроқ, арзонроқ ҳамда юқори мустаҳкамликка эгаллиги билан ажралиб туради.

«Халқ сўзи».

МАРКАЗИЙ ОСИЁ СУВ РЕСУРСЛАРИ

Улардан оқилона фойдаланиш бўйича самарали ечимлар

Суви халқимизнинг ҳаётий энг муҳим стратегик ресурсларидан биридир. Марказий Осиё давлатлари учун суви таъминоти масаласи қурғоқчил иқлим, иқтисодийнинг қишлоқ хўжалигига юқори даражада боғлиқлиги ҳамда суви ресурсларининг нотекис тақсимлангани сабабли алоҳида аҳамият касб этади. Сўнгги ўн йилликларда суви муаммоси минтақанинг барқарор ривожланишини белгилловчи асосий омиллардан бирига айланди. Аҳоли сонининг ортиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кенгайиши, урбанизация жараёнлари ва иқлим ўзгаришлари босимни кучайтириб, суви ресурсларини бошқаришда янги ёндашувларни талаб қилмоқда. Сувида оқилона фойдаланиш бугунги кунда нафақат экологик, балки иқтисодий ва ижтимоий вазифага ҳам айланган.

Нуктаи назар

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасида ер, ер ости бойликлари қаторида суви ҳам умумий бойлик эканлиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасига олинганлиги қатъий белгилаб қўйилган.

Марказий Осиёдаги обиҳаёт ресурсларининг асосини Тянь-Шань ва Помир тоғларидан бошланувчи Амударё ҳамда Сирдарё суви манбалари ташкил этади. Оқимнинг катта қисми Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларида шаклланса, унинг асосий истеъмолчилари Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистон ҳисобланади.

Шу боис минтақада мазкур табиий ресурслар трансегаравий хусусиятга эга бўлиб, давлатлар ўртасида доимий ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни талаб қилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида ва Орolni кутқариш халқаро жамғармаси йиғилишларида Марказий Осиё давлатларининг суви ва экология соҳасидаги сай-ҳаракатларини бирлаштириш бўйича қатор конструктив ташаббусларни илгари сурди.

Минтақада сувнинг энг йирик истеъмолчиси қишлоқ хўжалигидир. Умумий суви сарфининг қариб бешдан тўрт қисми сугоришга тўғри келади. Ирригация туфайли пахта, шoli, сабзавот, мева ва бошқа

қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирилади. Бироқ кўплаб сугориш тизимлари ўнлаб йиллар аввал қурилган бўлиб, бугунги кунда уларни модернизация қилиш зарурати мавжуд. Каналларда филтрация, буғланиш ва инфратузилманинг эскириши сабабли катта ҳажмдаги суви йўқотилмоқда. Бундан ташқари, ортиқча сугориш ва дренаж тизимларининг етарли даражада ишламаслиги натижада тупроқларнинг шўрланиши кучаймоқда. Ерларнинг деградацияси ҳосилдорликни пасайтириб, қишлоқ хўжалиги майдонларини тиклаш учун қўшимча маблағ талаб этмоқда.

Кейинги йилларда иқлим ўзгариши Марказий Осиё суви ресурсларига тобора кучлироқ таъсир кўрсатмоқда. Минтақада ўртача йиллик ҳароратнинг ошиши, қурғоқчиликлар сонининг кўпайиши ва экстремал об-ҳаво ҳодисаларининг тез-тез кузатилиши бунинг яққол далили. Айниқса, Тянь-Шань ва Помир музликларининг тез сурьатларда эриб бораётгани жиддий хавотир уйғотмоқда. Мазкур музликлар минтақанинг табиий чўчүк суви омборлари вазифасини бажаради. Қисқа мuddатли истиқболда музликларнинг эриши дарёлардаги суви оқимини кўпайтириши мумкин. Бироқ узок мuddатли истиқболда музликлар ҳажмининг қисқариши суви ресурсларининг камайишига олиб келади. Бу эса қишлоқ хўжалиги, энергетика ва аҳоли ичимлик суви билан таъминлаш соҳала-



рига салбий таъсир кўрсатади. Ҳароратнинг ошиши натижасида тупроқ ва суви ҳавзаларида намликнинг буғланиши кучаяди. Натижада аввалги ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун янада кўпроқ суви талаб этилади.

Марказий Осиёнинг йирик

қуий оқимдаги мамлакатлар сугориладиган ерларни суви билан барқарор таъминлашдан манфаатдор. Шу боис сувида фойдаланиш масаласи минтақавий ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шерикликни мувофиқлаштириш мақсадида турли минтақавий механизмлар ва комиссиялар ташкил этилган. Шунга қарамай миллий манфаатлардаги фарқлар, гидрологик шароитларнинг ўзгариши ва сувида ахтиёжнинг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб

моқда. Бу билан чекланмай, гидро-техник инфратузилмани модернизация қилиш муҳим аҳамиятга эга. Каналларни реконструкциялаш, суви ҳисобини юритиш ва назоратнинг автоматлаштирилган тизимларига ўтиш йўқотишларни камайтириб, ундан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Суви хўжалигини рақамлаштириш ва замонавий мониторинг усулларини қўллаш ҳам истиқболли йўналишлардан. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг таркибини такомиллаштириш ҳам долзарб вазибалардан саналади. Энг қурғоқчил ҳудудларда кам суви талаб қиладиган экинларни етиштиришга босқичма-босқич ўтиш суви ресурсларига тўшаётган юкларни камайитиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш ва сувида нисбатан масъулиятли муносабат маданиятини шакллантириш ҳам катта аҳамият касб этади.

Марказий Осиё суви ресурслари минтақанинг иқтисодий ривожланиши, озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳоли фаровонлигининг асосидир. Бироқ суви танқислиги, экологик муаммолар, иқлим ўзгаришлари ва трансегаравий бошқарувидаги мураккабликлар ушбу ресурслардан фойдаланишни тобора қийинлаштирмоқда. Мазкур муаммоларни ҳал этиш фақат замонавий технологиялар, самарали давлат бошқаруви ва халқаро ҳамкорликни ўйғунлаштирган комплекс ёндашув асосидагина мумкин. Суви ресурсларидан оқилона фойдаланиш минтақавий сиёсатнинг устувори йўналишларидан бирига айланиши зарур. Фақат обиҳаётга ахтиёжкорона муносабат ва давлатларнинг ҳамжиҳат ҳаракатлари орқали келажак авлодлар учун барқарор ривожланиш ҳамда суви хавфсизлиги таъминланади.

Саида ҲАКИМОВА, Фарғона давлат университети доценти.

ЁЗЁВОНДА «ЕРСИЗ ДЕҲҚОНЧИЛИК» ТАЖРИБАСИ

БАЛИҚЧИЛИК БИЛАН ШОЛИЧИЛИКНИ УЙГУНЛАШТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ



Марказий Фарғона ҳудудида жойлашган Ёзёвон тумани яқин-яқингача иқтисодий кўрсаткичлар бўйича вилоятда энг қуий ўринларда юрди. Сабаби, асосан, қишлоқ хўжалигига иختисослаштирилган ушбу ҳудудда саноат тармоқлари ривожланмаган эди. Бугун эса бу ерда том маънода янги ҳаёт шуқуқи кезмоқда.

Инновация

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 27-28 апрель кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Ёзёвонни ҳар жиҳатдан юксалтириш бўйича белгилаб берилган устувор вазибалар ҳаётбахш ислохотларга янги руҳ бахш этаётди. Буни иқтисодийта сунъий интеллектни кенг жорий этиш, IT клас-терлар ташкил қилиш, қуёш ва шамол станциялари қуриш каби кўплаб инвестициявий лойиҳалар ижросига киришилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Қувонарлиси, бундай янгилинишлар аграр соҳада ҳам кузатиляпти. Чунки аънавий деҳқончилик билан чекланиб қолганнинг боис чўл ҳудудларидаги минглаб гектар экин ерлари сувсизлик ва инфратузилма

йўқлиги сабабли иқтисодий айланмадан ташқарида қолаётганди. Президентимиз бу галги ташрифи чоғида тумандаги 1800 гектар фойдаланилмаётган ана шундай ерларни ўзлаштириш ва қайта муомалага киритиш бўйича топширди берди.

Айтиш жоизки, инновацион ва интенсификатор технологиялар кенг қўлланилаётгани балиқчилик билан шоличиликни уйғунлаштириш имконини берди. Гап шундаки, Ёзёвондаги кўлнинг 100 гектар суви юзасида кассетали усулда органик шoли етиштиришга киришилди.

— Ҳисоб-китобларга кўра, тумандаги 88 та балиқчилик фермер хўжалигининг 2008 гектарлик ҳовузларида ана шу усулда шoли парвариш-лаш имкони бор, — дейди Ёзёвон тумани ҳокимлиги мутахассиси Дилмурод Мирзаев. — Айни пайтда шу-

нинг 88 гектарида янги усулда шoли етиштириш учун амалий ишларга киришилди. Мазкур замонавий агротехнология ёзёвонлик миришкорларга балиқ етиштириш баробарида «ерсиз деҳқончилик» қилиш имконини беради.

Ҳозирда тумандаги «Хамкор намуна» фермер хўжалигида уруғ ва кўчат усулида экилган шoли бир текис ундириб олинди. Фарғона вилояти агротехнология маркази мутахассислари ҳамда Шoличилик илмий-тадқиқот институти олимлари билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилгани экин парваришида қўл келмоқда.

«Сузувчи шoли» экиб, ундан мўл ҳосил олиш тажрибаси Хитой, Вьетнам, Филиппин, Таиланд каби мамлакатларда яхши ривожланган. Бу усулнинг яна бир афзал жиҳати шундаки, махсус тўлиқ органик ҳолда етиштирилган туфайли экологик тоза, юқори сифатли ҳосил олинади. Аниқроғи, у аънавий усулда парваришланиб олинган гуручга қараганда сифат ва нарх бўйича икки баробар устунликка эга.

Фарғона вилояти агротехнология маркази директори ўринбосари Омадбек Раҳимовнинг айтишича, шoличиликдаги ушбу инновацион ёндашув суви ресурсларидан самарали фойдаланиш, ер майдонларини тежаш имконини беради.

Шу пайтгача Ёзёвон туманида ҳар йили аънавий усулда ўртача 2500 — 2800 гектар ерга шoли эки-либ, 15,5 минг тонна ҳосил олинган бўлса, эндиликда рақамлар қарра-сига ошиши тайин. Зеро, янги тажриба Ёзёвонда шoличилик истиқбол-лини таъминлаб, экспорт имконият-ларини кенгайтириши билан ҳам гоятда аҳамиятли.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Тарих зарварақларида

БЕДИЛНИ ХАЛҚҚА ТАНИТГАН ХАТТОТ

Бир замонлар ҳиндистонлик савдогар Мирзо Абдулқодир Бедилнинг қўлзема девонини олиб келгани ҳақидаги хабар бухоролик назм илхосмандлари ўртасида шов-шув бўлди. Бу гапни эшитган амирнинг ҳам ҳаловати бузилди. Шоирнинг ўз қўли билан битилган табарруқ асарни кўриш, уни сотиб олиш ниятида мулозимларини савдогар ҳузурига юборди.

Аммо олис йўл босиб келган савдогар бу қўлзема бебахолигини ваъз этиб, сотгани унамади. Илхосиз қолган мулозимлар мушкул аҳволга тушди: саройга қуруқ қўл билан қайтиш кундага бош қўймоқ билан баробар. Аммо ўлимдан бўлак ҳар қандай мушкулотнинг ечими бор. Мулозимлар бир мuddат ўйга толиб, савдогардан Бухорода узокроқ қолишни сўради. У кўнди ва «қирқ кун қўноқ бўламан», дея розилик берди.

— Шундан сўнг амирнинг хос вакиллари ҳукмдор номидан «Қайси котиб шу қўлзе-мани қирқ кун ичида рисола-дагидек кўчириб нусха олса, минг тилло пул ва ҳадялар берилур», дея шаҳару қишлоқларга жар солишди, — дейди хаттотлик санъатида оид тадқиқотлар олиб борган бухоролик олим Ҳусен Жўраев. — Бироқ қисқа мuddатда шундай нозик ва қийин, масъулиятли ишни баҳарлаш-га журъат этадиган хаттот бормикан? Ҳаттога шу муам-мо қалқиб чиқди. Бахтга қарши котиблардан садо чик-мади. Шунда Бухоронинг Гул-зор мавзесида умргузарон-лик қилувчи Мирзо Муҳам-мад Фозил хаттот бу юмуш-ни зиммасига олди.

Айтишларича, хаттот ҳуж-расига қамалиб олган қўйи қирқ кун давомида қўлзема девон аслиятидан нусха кўчи-риш билан машғул бўлади. Мuddат тугаган Арққа — амир саройига йўл олади. Бухоро аҳолиси ҳам бу кўнни узок кутган, зеро, кўнгиллар Бе-дил шеърятидан баҳраманд бўлмоқ ҳаваси билан лиммо-лим тўлган эди.

Буни қарангки, хаттот туш-магур таъминан беш юз varaқ ҳажмдаги девондан бир эмас, икки нусха кўчиришга улгур-ган экан. Уларнинг бири — амир учун, иккинчиси эса ўзига, ўзи орқали назм ил-хосмандларига мўлжалланган эди. Ваъдага кўра, хаттотга илфитот қўрсатилди. Пул бе-рилиб, бошдан оёқ сарпо қилинди.

— 1803 йилда рўй берган бу воқеа сабаб Бедил дево-ни Мовароуннаҳрга тарқалиб кетди, — деб давом этади Ҳусен Жўраев. — Бир захмат-каш хаттотнинг машаққатли меҳнати ортидан минглаб ки-шилар шоир шеърларини му-толаа қилиш, унга гойибона дўст тутиниш, маънавий озуқа олиш бахтига муяссар бўлди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Эндиликда педагогика йўналишларида кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш мақсадида талабаларнинг билимлари ташқи диагностикадан ўтказилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 376 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар: Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлзема тақриб қилинмайди ва мустақил қайтарилмайди. Газетанинг маълумоти берилиши учун обунани расмийлаштириш таъкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6